O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`KA TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎКА ТУМАНИ
ҲОКИМИ

110600. Бўка тумани А.Қодирий кўчаси 1-уй. Тел: (0370) 57-36-200. факс: 57-35-974

# QARORI
# ҚАРОРИ

«28» 01 2019 йил № 692 Бўка шахри.

## Туман ҳудудидаги транспорт воситаларининг 2019 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтқазиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил., 9-сон., 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтқазиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами, 2003 йил., 1-2-сон, 17-модда) асосан, туман худудидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтқазишни таъминлаш мақсадида

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

**1.** Туман Ички ишлар бўлимининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси туман худудидаги транспорт воситаларини мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

**2.** Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтқазилиши белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланадиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирадиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчиларнинг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомабиллари, йирик габаритли, оғир вазинли ва хавфли юкларни ташиш учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар-бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили хам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандининг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини хисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари

(мазкур бандининг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси–шатакчаси учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди, (мазкур бандининг “а” кичик бандида кўрсатилганларидан ташқари).

**3.** Мазкур Қарорнинг 2-банди ”а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги;

Биринчи марта – 1 март - 30 июнда;

Иккинчи марта – 1 сентябрь - 31 октябирда ўтказилади.

Юридик шаҳсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2019 йил 1 март-30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь-31 августда ўтказилади.

**4.** Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригидан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

**5.** Корхона, ташкилот ва муассасалардаги давлат автотранспорт воситаларини 2019 йилги техник кўригидан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

техник кўрикдан ўтказиш жадвалига транспорт воситалари рўйхатга олинган юридик ва жисмоний шахслар, уларга тегишли танспорт воситалари сони ва мажбурий ўтказиш муддати киритилсин;

**6.** Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва Тошкент вилояти хокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Бўка тумани вакилига;

2019 йилнинг 25-январь кунига қадар йўлларда харакат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шаҳслар раҳбарларини жалб етган ҳолда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин;

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлиги ошириш мақсадида йўл ҳаракат хавфсизлиги бўлинмаси, мудофа ишлари бўйича бўлинмаси ва юридик шаҳсларнинг муҳандис техник ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилсин;

йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлинмаси фаолияти тугатилган юридик шахслар таасарруфида бўлган транспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамаларни аниқлаш ва уларни ўрнатилган тартибда хисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлинмаси ҳамда Ички ишлар бўлимининг бошқа хизмат ходимлари ва кент жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган.

Автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан

ўтказиш йўл харакати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий гарови эканлигини тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

**14.** Туман ҳокимининг 2018 йил 17-мартдаги 466-сонли Туман ҳудудидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ташкил етиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

**15.** Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**16.** Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зимамда қолдираман.

Туман хокими в.в.б. У.Юлдашев